

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

ТОМ 6, НОМЕР 2

INNOVATIONS IN ECONOMY

VOLUME 6, ISSUE 2



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ | INNOVATIONS IN ECONOMY

№2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2023-2>

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Гулямов Сайдахрар
Саидахмедович
академик

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Вохидова Мехри Хасановна
иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори

ТАХРИРИЙ МАСЛАХАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

08.00.01 - ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ | ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ | ECONOMIC THEORY

Назаров Ш.Х. - и.ф.д.
Гафуров У.В. - и.ф.д., профессор
Мустафакулов Ш. И. - и.ф.д., доцент
Сайфуллаева М.
Маматкулов И.А.

Nanuli Khizanishvili - Doctor of Economic Sciences, Tbilisi Iv. Javakhishvili State University. Faculty of Economics
Екатерина Геннадьевна Господарик к.э.н., доцент, заведующая кафедрой аналитической экономики и эконометрики экономического факультета БГУ

08.00.02-МАКРОИҚТИСОДИЁТ | МАКРОЭКОНОМИКА | MACROECONOMICS

Салимов Б. Т. - и.ф.д., профессор,
Назаров Ш. Х. - и.ф.д.
Худойкулов С. К. - и.ф.н. доцент,
Валиев Б. - PhD.
Сафарова Н.Н.

Зубиташвили Тамар - доктор туристических наук, Телавский государственный университет, Грузия

08.00.07-МОЛИЯ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ. | ФИНАНСЫ. БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ FINANCE. ACCOUNTING

Жиянова Н.Э. - и.ф.н., доц.

08.00.09-ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ | МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА | WORLD ECONOMY

Мурадова Х.М. - и.ф.д., профессор
Шарифхўжаев Ш.О. - и.ф.д.

Сардор Азам - и.ф.д.
Вохидова М.Х. - PhD.

08.00.10-ДЕМОГРАФИЯ. МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ | ДЕМОГРАФИЯ. ЭКОНОМИКА ТРУДА DEMOGRAPHY. LABOR ECONOMICS. 08.00.13-МЕНЕЖМЕНТ | МЕНЕДЖМЕНТ | MANAGEMENT

Гулямов С.С. - академик
Умурзаков Б.Х. - и.ф.д., профессор,
Каршиев М.Э.

Маматкулов И.
Ғойипназаров С.Б. - PhD
Кадилова З.А. - PhD

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


1. Dusmatov Begmuhammad, Dusmatova Ma'mura INCREASING THE COMPETITIVENESS OF AIC AND ITS RELATIONSHIP WITH INNOVATIVE DEVELOPMENT.....	4
2. Saidov Farrukh BASIS OF DEVELOPMENT OF DIGITAL PLATFORMS INFRASTRUCTURE.....	12
3. Safarov Bakhodirkhan, Barrayeva Shahriniso PILGRIMAGE TOURISM - TRAVELERS AND PILGRIMNS RELIGIOUS, HISTORICAL PLACES, PERSONS KNOWING THEIR WAY OF LIFE.....	17
4. Dusanov Salim THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ASPECTS OF STUDYING THE EFFICIENCY OF FINANCIAL RESOURCES IN THE EDUCATIONAL SYSTEM IN THE CONDITIONS OF DIGITALIZATION OF THE ECONOMY.....	22
5. Kholmuratova Shakhnoza THE ESSENCE OF THE QUALITY OF EDUCATION IN ECONOMIC DIRECTIONS AND ITS EVALUATION INTERNATIONAL METHODS.....	29
6. Mamatkulova Shoirra THE ROLE OF THE SERVICE INDUSTRY AND NETWORKS IN LABOR MARKET DEVELOPMENT.....	36
7. Norkulova Dilfuza, Jurakulov Khusen IMPACT OF THE DEVELOPMENT OF ELECTRONIC TRADE ON THE ECONOMY OF OUR COUNTRY.....	41
8. Khayitov Jamshid THE ROLE OF IMPROVEMENT SERVICES IN REFORMING THE NATIONAL ECONOMY.....	46
9. Babanazarova Sevara INFLUENCE OF THE LEVEL OF COMPETENCE OF THE TEACHER ON THE DEVELOPMENT OF HUMAN CAPITAL.....	51
10. Usmanova Sabokhat, Gulyamova Nigora PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF INNOVATIVE ACTIVITIES OF THE PHARMACEUTICAL INDUSTRY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	56
11. Julieva Yulduz PROMISING DIRECTIONS DEVELOPMENT OF THE TOURISM SECTOR.....	64
12. Sattarova Nargiza QUALITY OF TRADING SERVICES, THE STATE OF ITS MATERIAL AND TECHNICAL BASE AND INFRASTRUCTURE IN CONTENT DEPENDENCIES.....	69
13. To'raev Dilshod WAYS TO REGULATE THE SECRET ECONOMY THROUGH TAXES.....	75

Бабаназарова Севара Абдиназаровна

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, PhD в.б.доцент

ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ПЕДАГОГНИНГ КОМПЕТЕНТЛИК ДАРАЖАСИНИНГ ТАЪСИРИ

For citation: Babanazarova Sevara Abdinazarovna. INFLUENCE OF THE LEVEL OF COMPETENCE OF THE TEACHER ON THE DEVELOPMENT OF HUMAN CAPITAL. Journal of innovations in economy. 2023. Vol. 6, Issue 2. pp.51-55

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8165925>

АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатнинг потенциал миллий бойлиги бўлмиш инсон капиталнинг ривожлантиришида педагогик компетентлик, унинг унсурларнинг боғлиқлиги, рақобатбардош мутахассис етишиб чиқишида, талабанинг кумулятив рейтингининг таъсири ўрганилган.

Калит сўзлар: моддий неъматлар, электрон ахборот воситалари, рақобатбардош кадрлар, педагогик компонент, меҳнат бозори, талабанинг кумулятив рейтинги.

Babanazarova Sevara Abdinazarovna

Samarkand Institute of Economics and Service,
Candidate of Economic Sciences, Associate Professor

INFLUENCE OF THE LEVEL OF COMPETENCE OF THE TEACHER ON THE DEVELOPMENT OF HUMAN CAPITAL

ABSTRACT

The article examines the impact of pedagogical competence, its interdependence, the development of a competitive specialist, the impact of the student's cumulative rating on the development of human capital, which is the country's potential national wealth.

Key words: material benefits, electronic media, competitive personnel, pedagogical component, labor market, cumulative rating of the student

Бабаназарова Севара Абдиназаровна

Самарқандский институт экономики и сервиса,
кандидат экономических наук, доцент

ВЛИЯНИЕ УРОВНЯ КОМПЕТЕНЦИИ УЧИТЕЛЯ НА РАЗВИТИЕ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается влияние педагогической компетентности, ее взаимозависимость, формирование конкурентоспособного специалиста, влияние совокупного рейтинга обучающегося на развитие человеческого капитала, являющегося потенциальным национальным богатством страны.

Ключевые слова: материальные блага, электронные СМИ, конкурентоспособные кадры, педагогическая составляющая, рынок труда, накопительный рейтинг обучающегося.

Талаба-ўқувчиларнинг ўқиши ва ўзлаштириши учун зарур бўлган моддий неъматлар, яъни техник воситалар ҳам талаб даражасида бўлишликни тақозо қилади. Хусусан, дарслик ва ўқув қўлланмалар бугуннинг нафаси ва келажакни кўзда тутадиган ғоялар билан суғорилган бўлиши лозим. Дарсликлар билан бирга электрон ахборот воситалари ҳам етарли даражада бўлишлигини тақозо қилади. Буларнинг ҳаммасини амалга ошириш учун талабга жавоб берадиган, керакли воситалар билан жиҳозланган аудиториялар бўлишлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар ёзда салқин, қишда иссиқликни таъминлайдиган бўлишлигина тақозо қилади. Буларнинг ҳаммасини жамлаб яхши ўқиш учун тегишли шароитнинг яратилганлигини инобатга олиш лозим.

Яхши ўқиш оқибатида тарбияли бола маълумотли, билимли, малака, яхши ўзлаштирган ва тажрибали мутахассис шаклланади. Билимнинг ҳам, малаканинг ҳам юзага чиқишида тажриба муҳим аҳамиятга эга. Чунки тажриба одамлардан-одамларга ўтиб турадиган унсурлардан бири ҳисобланади. Масалан, тажрибали педагог дарс ўтиш жараёнида ўзининг билими билан бирга ўқитиш бўйича тўпланган тажрибасини ҳам тингловчига ҳаракатлари ва сўзлари билан бераётган бўлади. Бундан тингловчи нафақат билимни балки педагогнинг тажрибасини ҳам ўзлаштириб олишлари лозим бўлади. Олдингига нисбатан ҳозир ўзлаштиришлар жуда тезлашиб кетганлигига сабаб ҳам шунда. Йиллаб тўпланган тажрибани бир зумда етказилгач, уни ўзлаштиради, йиллаб тажриба тўплашга ҳолат қолмайди.

Юқоридаги омиллар бир-бири билан узвий боғлиқ. Бу бевосита уларнинг бир-бирини тўлдириш билан бирга, тўғри ва тескари боғлиқликларига эгаллиги ҳам кузатилади. Жумладан, педагог малакасининг ҳосил қилиш тезлиги, фандаги мавзунинг мураккаблик даражаси, кишининг ёши, индивидуал хусусияти, билими ва бошқа бир қанча омилларга боғлиқ. Педагогнинг малакаси кўпинча, бошқа малаканинг ҳосил бўлишида ҳам ёрдам беради. Юқоридагилардан кўришиб турибдики, буларнинг барчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, талаба (ўқувчилар) билан мураббийлар (тарбиячилар), ўқитувчилар (педагоглар), профессор-ўқитувчи ва устозлар шуғулланади. Замон талабига жавоб берадиган рақобатбардош кадрларни тайёрлаш учун фақат профессор-ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатлари етарлик эмас. Ушбу таълим ва тарбия жараёнида, юқорида таъкидланганидек, ота-оналар ҳам шуғулланишлари даркор. Улар ўзларининг фарзандлари тақдирига бефарқ бўлмасликлари лозим. Муҳими талабалар тарбияланган бўлиб, билим эгаллаш нафақат ўзининг, балки миллатнинг, Ватаннинг келажаги эканлигини тўғри тушуниб етган бўлишлиги лозим.

Рақобатбардош кадрларни тайёрлашда нималарга эътибор бериш керак? Биринчи бўлиб макон, яъни таълим-тарбия бериш жараёни содир бўладиган жой. Таълим муассасалари ҳар томонлама жиҳозланган бўлиши керак. Таълим олиш учун барча имкониятлар мавжуд бўлиши керак. Иккинчи, таълим ва тарбия берадиган мутахассислар етарли, билимли, тажрибали бўлиши керак. Агар таълим берувчи етарли даражада бўлмаса, барча таълим олувчини бирдек қамраб ололмаймиз, керакли билимни беролмаймиз (соҳалар бўйича мутахассисларнинг етишмовчилиги). Таълим берувчи ўзи билимли бўлмаса, у таълим олувчига керакли билим бера олмайдди. Натижада таълим олувчи керакли ва зарурий тарбияни ҳам, билимни ҳам ололмайди. Учинчидан, таълим жараёнининг узвий боғлиқлиги. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси бошланғич маълумотларни сонларни, уларни кўшиш, айириш, харфларни ёзишни, ўқишни ўрганади. Мактабга 1-синфга қабул қилинганда яна шу нарса такрорланади. Ёки, аксинча, МТМга бормаган болалар ўзлаштиришда орқада қолади.

Мактабда ўтиладиган айрим умумтаълим ва умумкасбий фанлар Олий ва ўрта махсус таълим тизимида такрорланади. Яна худди шу нарса яхши ўқиган ўқувчи учун зерикарли, яхши ўқимаган ўқувчи учун қийин бўлган дарс бўлади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда ҳар бир таълим муассасаси бири-бири билан рақобатда бўлиши керак. Ҳар битта таълим муассасаси етиштириб чиқараётган тарбияланувчи, ўқувчи ва мутахассис учун ўзи жавоб бериши керак. Хусусий таълим муассасалари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш лозим (чунки улар, асосан, ўзини-ўзи молиялаштиради). Чунки хусусий таълим муассасасига ҳозирги вақтда талаб яхши. Яъни аҳолининг имконияти бор. Бу давлат бюджетидан таълим учун ажратилган маблағларни тежайди ва бу тежалган маблағлар давлат таълим муассасаларини молиялаштириш учун ишлатади. Бу ерда давлат ва хусусий таълим муассасалар ўртасида рақобат пайдо бўлишига олиб келади, натижада таълим тизимида ривожланиш бўлади. Таълим муассасаларини замонавий жиҳозлаш ва ўқиш учун шароит яратишга бўлади. Бу таълимни тўлиқ хусусийлаштириш дегани эмас, яъни давлат таълим муассасалари ҳам бўлиши керак. Сабаби биринчидан, аҳолининг барча қатлами тенг даромадга эга эмас. Иккинчидан, таълимни давлатдан ажратиш бўлмайди.

Таълим берувчилар ўртасида ҳам рақобат бўлиши керак. Бунга таклиф кўп бўлиши лозим. Мамлакатимизда педагог мутахассислар тайёрлайдиган ОТМлар етарли даражада. Ўша ОТМлар билан шартномалар тузиб, зарур бўлса билимли бўлажак мутахассисларнинг шартнома пулларини тўлаб, ўзлари иш билан таъминласа, талабалар ўртасида ҳам рақобат пайдо бўлади. Яхши билим олган талабанинг иш жойи аниқ. (Бу амалиёт баъзи ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд). Таълим жараёнининг узвийлиги, давлат таълим стандартлари мавжуд бўлиб, у барча таълим муассасалари учун бирдек амал қилади. Давлат таълим стандартларидаги таълим жараёнининг узвийлигига яна бир қараб чиқиш керак. Юқорида айтилганидек, такрорланишларга чек қўйиш керак. Ҳозирги вақтда ОТМда қайсидир фанга ўз хиссасини қўшган олимлар, фан докторлари фаолият олиб боради. Унинг илмий ишлари ва яратган янгиликларидан ҳамма фойдаланади. Лекин, қайсидир фан учун бошқа марказдаги ОТМ ўқитувчилари томонидан яратилган намунавий дастур бўйича дарс ўтилиши керак. Улар ҳам адабиётларга ўзлари нашр қилган адабиётларни киритиб қўяди. Ва айнан ўша адабиёт ОТМ АРМИда мавжуд бўлиши, дарсни ўша адабиётлардан ўтиши керак бўлади. ОТМлар учун таълим бериш жараёнидаги ўқув режалар, намунавий дастурларни ўзлари ишлаб чиқиши ва дарсларни ташкил этишни ўзлари белгилаши керак. Чунки рақобат шароитида бир хил маҳсулот билан эмас, бир турдаги бошқа кўринишдаги маҳсулот билан бозорга чиқиш керак.




1-расм. Педагогнинг компетентлик даражаси белгиловчи унсурларнинг ўзаро боғлиқлиги

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозорида рақобатбордош мутахассисларни тайёрлашда педагогдан касбий компетентлик талаб қилинади. Компетент тушунчаси, “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш” [2] маъноларини англатади. Шундан келиб чиқиб, педагогнинг компетентлик даражасини белгиловчи унсурларнинг ўзаро боғлиқлигини келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик (1-расм).

Расмдан кўришиб турибдики, педагогнинг компетентлик даражаси белгиловчи унсурлар ўз ичига еттига йўналишни қамраб олади ва уларнинг ҳаммаси бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда бир-бирини тўлдириб боради.

Талабалар таълим олиш жараёнида назарий билимлар олиш билан бир қаторда, олган билимларини амалиётда қўллай билиш ва натажаларини ҳам баҳолаб бориш лозим бўлади. Булар талабалар рейтингни белгилаб беради. Бунда биз кумулятив рейтингдан фойдаланишни таклиф қиламиз. Кумулятив рейтинг талабаларнинг ўқиш давомидаги илмий ютуқларини таққослайди.



2-расм. Талабанинг кумулятив рейтингини шаклланишидаги босқичларнинг ўзаро боғлиқликлари

Ушбу рейтинг барча ўқув фаолигини қамраб олганлиги сабабли, йиғилган рейтингдаги баъзи талабалар жорий рейтингда етакчи бўлган гуруҳдагиларга қараганда "юқори" бўлиши мумкин. Бунда ҳамма курсда ўрганган ва ўқиб ўзлаштириш билан бирга амалиётда қўллай олган жиҳатлар ҳам ўзаро боғлиқ ҳолда ифодаланади.

Расмдан кўришиб турибдики, талабанинг кумулятив рейтингини, ўқиш даврида тўплаган барча билимларини (назарий, амалий ва ҳ.к.) ифодаловчи кўрсаткичлар мажмуидан иборатдир. Бунда талабанинг биринчи курсда барча фанлардан (1, 2, ... n) тўплаган билимига иккинчи курсда қўшилган билимлари (1 ... n), учинчи (1 ... n) ва тўртинчи курслардаги қўшилган билимлари (1 ... n) ҳам жамланиб ҳаммаси талабанинг кумулятив рейтингини ифодалайди.

Таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини баҳолашда уларнинг рейтингини уларда фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг билим даражаси, кўрик-танловлардаги иштироки, илмий ижодий ишлари, ўқувчининг таълим муассасасида ўқиш жараёнида олган билими, кўрик-танловлардаги иштироки, ихтиролари, таълим муассасасидаги ўқитувчи-педагоглар илмий салоҳияти, кўрик-танловлардаги иштирокчилар сони, ахборот технологиялар ва адабиётлар билан таъминланганлик даражаси орқали аниқлаш мумкин бўлади[1]. Навбатдаги вазифа, шу юқорида қайд этилган унсурларни амалга оширувчи профессор-ўқитувчилар меҳнатидан самарали фойдаланиш учун нималарга аҳамият беришни йўлга қўйишдан иборатдир.

Иқтибослар/Сноски/References

1. С.А.Бабаназарова. “Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўллари”. “Сервис” илмий-амалий журнал. №3-махсус. 2019. 53-60-бет
2. Бабаназарова, С. А. Роль участников системы в оплате образовательных услуг / С. А. Бабаназарова, Б. Ш. у. Усмонов // ЛУЧШАЯ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКАЯ РАБОТА 2021 : сборник статей II Международного научно-исследовательского конкурса, Петрозаводск, 10 января 2022 года. – Петрозаводск: Международный центр научного партнерства «Новая Наука» (ИП Ивановская И.И.), 2022. – С. 51-54. – EDN AKYISZ.
3. <https://cyberleninka.ru/article/n/pedagogik-kompetentlik-talim-zharayoni-rivozhlanishining-mu-im-omili-sifatida/viewer>
4. Vokhidova, M., & Yuanis, Y. (2020). Development of Transboundary Trade and Economic Relations in Central Asia: Challenges and Solutions. Indonesian Journal of Law and Economics Review, 6, 10.21070/ijler.2020.V6.93. <https://doi.org/10.21070/ijler.2020.V6.93>
5. Babanazarova S. A. OBJECTIVE NECESSITY OF FORMATION OF DIGITAL EDUCATION AND ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC MECHANISMS OF ITS INTRODUCTION //Экономика: анализы и прогнозы. – 2021. – №. 2. – С. 135-141.

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

ТОМ 6, НОМЕР 2

INNOVATIONS IN ECONOMY

VOLUME 6, ISSUE 2

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000